

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**



# **“GLOBAL TA'LIM VA MILLIY METODIKA TARAQQIYOTI”**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY  
ANJUMANI MATERIALLARI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI**  
**TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**"GLOBAL TA'LIM VA MILLIY METODIKA**  
**TARAQQIYOTI"**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI**  
**MATERIALLARI**

**TOSHKENT-2018**

## MUNDARIJA

### GLOBAL TA'LIM

М. Мирқосимова. Маҳорат мактаби .....	3
Б. Тўхлиев. Бугунги адабий таълим: муаммо ва ечимлар.....	5
Р.Ниёзметова. Адабий таълимда эркин тарбия технологияси.....	8
З.Мирзаева. Адабиёт фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Гарднернинг “турфа заковатлар” назарияси...	11
А. Турсынбаев. Особенности применения средств информационных технологии в формировании информационной компетентности будущих учителей .....	14
Г. Атамухамедова. Методы, цели и задачи обучения русскому языку Преподаватель 1-Республиканского медицинского колледжа.....	30
S.Hoshimova, I.Safarova. Xitoy tilida neologizmlarning 派pai, 盲mang, 机ji so‘z yasovchi yarimsuffikslar yordamida yasalishini o‘ziga xos xususiyatlari haqida.....	31

### DARSLIK VA DASTURLAR MUTANOSIBLIGI

Қ. Ёўлдошев. Адабиёт ўқитишнинг асослари.....	34
Z.Mirzaeva, K.Djalilov International standards in teaching language and literature.....	39
З.А.Туракулова. Англия мухитида бобуршунослик.....	42
О.Р.Искандарова. Ислом Абдуганиевич Каримов – миллий тилимиз ва адабиётимизнинг жонкуяр мураббийси эди.....	44
К.Абдуллаев. Ўзбек халқ топишмоқларини ўрганишда фанлараро алоқа.....	47
Г.Душаева. А. Абдухамитов. Тил ва адабиёт таълимида педагогик ва ахборот технологияларнинг ахамияти.....	50
U. Ubaydullayeva. Epik asar qahramonlari ustida ishlashning tanqidiy tafakkurni shakllantirishdagi o‘rni.....	53
М.Ҳасанова Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг адабиёт дарсликларида учровчи айрим камчиликлар ва дарсликларни намунали нашр этиш бўйича методик тавсиялар.....	55
Q.Sultonov. Adabiyot darslari va to garaklarda Muhammad Yusuf ijodini o‘rganish bo‘yicha mulohazalar.....	57
G.Tursunova Uy vazifalarini tashkil etishning samarali usullar.....	59
M.Abdullayeva Xalq og‘zaki ijodida onalar allasining tarbiyaviy tomonlari.....	61
С.Камбарова Адабий таълимда “Какография” усулини қўллаш имкониятлари .....	64

Э.Холденнинг “Ҳиндистонда Мўғул империяси” китоби Ҳиндистонда теурийлар сулоласи тарихини кенг ёритган асарлардан бўлиб, ушбу китобнинг “Буюк Темур” (1910), “Бобур – фотиҳ” (1916), “Шоҳ Акбар” (1910) каби боблари рус тилига XX аср бошларида таржима этилган.

Ҳиндистонда туғилган олима Маргарет Румер Годен (1907-1998) 1920 йили Англияга қайтиб келади ва ўзининг “Гулбадан” номли тарихий-биографик асарини эълон қилади (1980).

Бобур мавзусида ёзилган бир қатор асарлар бадиий-публицистик характерда бўлиб, уларнинг айримлари тарихий роман тарзида эътибор топган. Алекс Ратерфорднинг “Жаннатга қасида” тарихий романи “Вторжение в рай” сарлавҳаси остида (М.:Эксмо, 2012) рус тилида ҳам эълон қилинган. Флора Энни Стиилнинг “Венценосный скитец” романи эса инглиз тилидан рус тилига таржима этилиб (таржимон А.Атакузиев) Ўзбекистонда эълон қилинган.

Кўлёмалар (68та), архив маълумотлари, инглизча, французча таржималар, Темур ва Бобур ҳақидаги романлар, хорижий шарқшунослар, ўзбек адабиётшунослари, таржимашуносларининг мавзуга дахлдор ишлари, инглиз олимларининг мазкур манбага бағишланган илмий тадқиқот ишлари, Бобур ижодига, унинг шахсига берилган баҳолари, “Бобурнома”ни Англия муҳитида идрок этиш, англаш ва қабул қилиш тадрижиёти, таржимавий узвийлик ва ворисийлик жараёни, англиялик шарқшунослар ва сиёсатшуносларининг таржимадан кузатган мақсадлари, ўзбек адабиётининг оламшумул шухрати юзага келганлиги тайин этилади.

Ушбу 400 дан ортиқ чет эллардан келтирилган асарлар Ўзбекистонда бобуршуносликнинг янада ривожланишига асос бўлиб, уларнинг энг муҳимлари илмий истеъмолга мунтазам жалб этилмоқда: олимлар, улар устида ишлаб илмий тадқиқотлар яратишмоқда, ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонларга етказилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Филол. ф. д-ри дисс. Т., 1994;
2. Ас-Салом Ф. Жаҳонгашта “Бобурнома”. Т., 1996;
3. Хорижда бобуршунослик (Тадқиқот, талқин ва мақолалар). Нашрга тайёрл. ва сўзбоши муаллифи Ҳ.Болтабоев. Т., 2009.

### **ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ – МИЛЛИЙ ТИЛИМИЗ ВА АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЖОНКУЯР МУРАББИЙСИ ЭДИ**

**ф.ф.н. О.Р.Искандарова**

Тошкент шаҳри ТТЙМИ академик лицейи,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ, - ” деб уқтирадилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқини ўрганиш

Ўтганларнинг хотирасини муқаддас билиб, миллий кадрларимиздан озикланиб, ёшларимизнинг билимли, саодатли яшашлари ҳаммамизнинг катта мақсадимиз деб таъкидлайдилар.

Бобомиз Ислом Каримов нафақат доно сиёсатчи, узокни кўра билган давлат раҳбари, нуқтадон олим, балки миллий тилимиз ва адабиётимизнинг ҳимоячиси, жонкуяр устози, мураббийси ҳам эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталган: “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли куч борки, у ҳам бўлса сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта”<sup>1</sup>.

Хусусан, ҳазрат Навоийга шундай таъриф берганлар: “Агар бу улуг зотни авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султони дир”<sup>2</sup>.

Мазкур китобнинг “Энг буюк жасорат” бобида адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳақида шундай ёзилган: “Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди. ... кўплаб юртдошларимиз қаторида мен ҳам, айниқса Озод аканинг иродаси қандай бақувват эканига, унинг қалб жасоратига қойил қолганман.

1997 йилнинг ёз ойларида қанд касаллиги зўрайиб, домла оғир операцияни бошидан ўтказди, врачлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир оёғини кесишга мажбур бўлади. Аммо, бу одам шунчалик матонатли эканки, шунда ҳам тушкунликка тушмайди, илмий ва ижодий фаолиятидан бир зум бўлсин тўхтамади.

Кейинчалик касаллик янада кучайиб Озод ака иккинчи оёғидан ҳам жудо бўлди. Бу ҳам етмагандек, кўриш қуввати ҳам ниҳоятда заифлашиб қолади. Ана шундай оғир шароитда ҳам бу инсон “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири сифатида, ўз бурчига, эътиқодига содиқ қолиб, лупа ёрдамида журнал материалларини таҳрир қилиб бориш билан бирга, қирқдан ортиқ йирик роман ва қиссаларни ўзбек тилига таржима қилгани, албатта, ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солиши табиий<sup>3</sup>.

Биз шўро тузуми тазйиқи туфайли Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлардан айрилдик, уларни ҳимоя қилмадик, тириклигида кадрлай олмадик. Шароф Рашидовдай боболаримизнинг маййитига ҳам озор бердик... Ислом Каримовнинг ўтганларнинг руҳини кадрлаши, миллатимизнинг қилган хатоларини тўғрилаши, қилишимиз мумкин бўлган хатоларнинг олдини олишлари- огоҳлик дарси ҳам эди.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз тақдирида тарихий воқелик бўлди. Ҳар бир миллат миллий тили ва

бўйича илмий-оммабоп рисола. Т. 2017 й, 126-б

<sup>1</sup> Karimov I.A. Yuksak manaviyat- yengilmas kuch.-Т: Манавият, 2008, 136-6

<sup>2</sup> Karimov I.A. Yuksak manaviyat- yengilmas kuch.-Т: Манавият, 2008, 47-6

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. 169-бет

адабиёти, шу тилда ифодаланадиган бетакрор миллий кадриятларидан озиклнсагина – у тирикдир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида Навоий шаҳрида Алишер Навоий, пойтахтимизда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия сингари ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкаллари, Термиз шаҳрида Алпомиш, Қарши шаҳрида “Эл-юрт таянчи” ва бошқа ўнлаб монументлар, санъат асарларининг барпо этилиши ҳам бу улуғ зотнинг халқимизга ва ижод аҳлига бўлган бекиёс хизмати эди.

Истиклол даврида Биринчи Президентимиз томонидан ижодкорларимиз муносиб тақдирланди. Хусусан, Чўлпон, Абдулла Қодирийларга Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти, “Мустақиллик” ордени берилди. Фитрат, Мақсуд Шайхзода Ўткир Ҳошимовлар “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди... Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотландилар.

Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Шарқ аёлининг ақлу заковати, фазлу камоли бўлган Зулфияхонимга шундай баҳо берганлар: “Нафақат шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимнинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари ... миллионлаб мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболага бўлмайди”<sup>1</sup>.

Биз Ислом Каримовнинг давлатимиз раҳбари этиб сайланган илк йилларидаги маърузаларини эшитганмиз, биламиз. Қисқа вақт ичида халқимизнинг биз билмаган, эшитмаган мақол, матал ва ибораларидан усталик билан ўз ўрнида фойдаланилган жонли, таъсирчан нутқларини эшитиб, бу инсоннинг тилимиз соҳасидаги ички салоҳиятига, иқтидорига таҳсинлар айтганмиз.

Биз, педагоглар, фарзандларимизнинг онгу шуурига етиб борадиган тарзда фикрни ифодалашда – Биринчи Президентимиздан кўп ҳаётий сабоқлар олганмиз, ўрганганмиз.

Фикримизни Биринчи Президентимизнинг Навоий бобомизга берган баҳолари билан бошлаган эдик. Ҳазрат Навоий XV асрда яшаб ўтганлар. Уларнинг ғазал бўстонида шоҳ байтлар жуда кўп. Улардан бири шундай ифодаланган:

*Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,*

*Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.*

Байтда тасвирланишича, кимки бир инсоннинг тақдирини ижобий томонга ўзгартира олган бўлса, унинг илмига илм, ақлига ақл қўша билган бўлса, ёки ички имкониятларини намоён қилиши учун шароит ҳозирлаб берган бўлса, у инсон бузилган Каъбани обод қилиш билан баробар иш қилибди, дейдилар.

Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимизнинг, она юртимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилишни энг олий саодат деб билди.

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. 167-бет

Ўттиз миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бирининг тақдирида ана шундай вазифани адо этиб кетдилар.

Доно халқимизда “Қадрласанг, қадрланасан” деган ҳикмат бор.

Биз ўтганларнинг яхши ишлари, амалларини хотирласак, қанча эъзоласак, қанча улуғласак, халқимизни ва миллатимизни шунча улуғлаган бўламиз. Бу эса ёшларимизни Ватанга, мустақиллигимизга, аждодларимизга, улуғ авлиёларимизга, бой ва қадимий тарихимизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаданилган адабиётлар рўйхати:**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T: Ma'naviyat, 2008, 176 b.

2. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – T: O'zbekiston, 2015, 304 b.

## **ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ФАНЛАРАРО АЛОҚА**

**Абдуллаев Комилжон**

НамДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Қадимда табуғ, чўпчак, топмачок, матал, байт, жумбоқ, топар каби номлар билан юритилган, Аристотель таъбири билан айтганда, “энг яхши метафора тузиш усули” ҳисобланган топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг кичик, оммабоп ва халқаро жанрларидан бири ҳисобланади. Бу жанр ёш авлодни ҳаётга, табиатга зийраклик билан назар ташлаш, борликдаги нарса-буюмларнинг белги-хусусиятларини осонроқ, тезроқ ёдда сақлаб қолишга ўргатади, уларнинг тафаккури, тасавури, бадиий дидини ўстириш учун хизмат қилади.

Академик лицейлар 1-босқич 1-ярим йиллигида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” махсус фан сифатида ўқитилади. Бунинг учун ўқув режасида 40 соат вақт ажратилган. “Ўзбек халқ топишмоқлари” мавзусини ўрганиш учун эса, 2 соат вақт сарфланади.

Буни куйидагича тақсимлаш мумкин:

1-соат.

1. Топишмоқ жанри ҳақида умумий маълумот.

2. Топишмоқларнинг бадиий хусусиятлари. Уларнинг турлари, тематик ранг-баранглиги

2-соат

1. Назарий билимларни мустаҳкамловчи мустақил-ижодий топшириқлар билан ишлаш.

2. Топишмоқларнинг маънавий-маърифий аҳамияти.

1-соатдаги дарс умумий ўрта таълим мактаблари 5-синф “Адабиёт” дарслигидан ўрин олган “Топишмоқлар” мавзусини ўрганиш жараёнида эгалланган билимларни эслатишдан бошланса, мақсадга мувофиқ бўлади